



# HURRIYAT

## MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 29-iyul, 2009-yil • №32 (635) • 1996-yil dekabrden chiqqan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

### БАДИЙ ҲАҚИҚАТ СИРАЛАРИ



Шу ўринда ўқувчида бир-биридан иштибоҳли савол туғилиши табиий. Ахир, мамлакат тақдирини қил устида турса-ю, Аҳси ҳукмдори давлат ишларини бир четга йиғиштириб қабурхонада юрса?! Ваҳоланки, бу вақтда Самарқанднинг ёвқур кўшини Марғилонни фатҳ этиб, темирйоздан қаламравидаги (қарамоғидаги) пойтахтга кўз тиккан эди-ку?!

7-бет

### ЯСНАЯ ПОЛЯНАДАГИ СУҲБАТ



Толстой билан отам ўртасидаги муносабатлар ёзувчининг шахсий секретари В.Ф. Булгаковнинг "Л.Н. Толстой ҳаётининг сўнгги йиллари" деган китобида ҳам эсланади. "У мулла одам экан, — деб ёзади Булгаков, — лекин гоёт сиёсатчи, бугун борлиги билан сиёсатга берилиб кетган экан. Толстой негадир унга Абдулаким деб мурожаат қилар эди".

7-бет

### ТЕАТРАН ЎЗИМНИ ТОПОЛМАДИМ



Бугун кино санъатининг дунёга чиқиши учун барча шарт-шароитлар, эркинликлар яратилган. Бундан самарали фойдаланиш лозим. Аммо бугун яратилган фильмларни бир таҳлил қилинг: қайси киномиз чет тилига таржима қилинса бизга шухрат келтираркан?

8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Тошкентда "Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар: бугунги аҳвол ва истиқбол" мавзусида халқаро даражада сўҳбат бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва Европа халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, Голландия, Хиндистон, Россия, Украина, Туркия, Эрон, Хитой, Кувейт, Покистон ва Марказий Осиё давлатларидан экспертлар иштирок этди. Улар Ўзбекистонда амалга ошириладиган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, жамиятни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг асосий йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама этдилар.

Пойтахтимизнинг Фафур Ғулом помидога маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Биз — мустақил юрт фарзандларимиз!" болалар бадий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги ишсизлиги бўлиб ўтди. П л е н у м д а Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мутасадди вакиллик ва муассасалар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ингилиш сўнггида бир қатор масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пойтахтимизда ҳақамлик судлари тизимини ташкил этиш, ривожлантириш ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда ҳақамлик судларини шакллантиришнинг ташкилий, ҳуқуқий асослари, улар томонидан ҳал этиладиган низолар ҳамда низоларни муқобил тарзда ҳал этиш амалиёти каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.



ЎЗБЕКИСТОН-ҒЕЎЖАВИЙ ҲУЛЛАРИ

## ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН МЎЪЖИЗА

### ёки истиқлол йилларида мамлакатимиз темир йўл соҳасида амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишлари хусусида

Кечагина бизга мўъжиза бўлиб кўринган ҳодисалар бугун оддий воқеликка айланиб бораётганидан ҳам англаш мумкин, тараққиёт жадаллашяпти. Демак, кишиларнинг одива кўйган мақсади ҳам ийриклашмоқда. Эндилкида одамлар илм ва меҳнат тўғрисида инсон нималарга қодир эканини кўз ўнгидан содир бўлаётган ўзгаришлар, оламушумул бунёдкорликлар, ўзгаришлар орқали билиб бормоқда.

Танланган йўли ва ўз олдига қўйган мақсади сари огишмай жадал қадам ташлаётган мамлакатимизнинг тарихан қисқа йилларда амалга ошираётган ишларига назар ташлаб шуни англаш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг нималарга қодир эканини дунё аҳлига намойиш этди. Буни

бунёдкорлик соҳасида дейсизми ёки сановатда, қишлоқ хўжалигида ёки маданий-маърифий соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришишнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, мамлакатимиз — XXI аср кашфиёти бўлиб тарих саҳифаларига кириши шубҳасиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан қурилиш ишлари

олиб борилмоқда. Бундай улкан ҳажмдаги ишларнинг бири эса «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» темир йўли қурилишидир. — Мен оддий дехқонман, — дейди бойсунлик Акмал Мелиқулов. — Мустақиллик халқимизга илоҳий кучқудрат бахш этди. Кўз олдимизда, қаранг, етти ушлаб тушимизга кирмаган қурилишлар бўляпти. Илгари ким ўйлаганди, Ўзбекистон Қамчиқ доволони забт этади, «Навоий — Султон Увайтоғ — Нукус» темир йўлини куради, Бойсуннинг чағир тоши тоғларидан поезд юргизади деб.

(Давоми 3-бетда)

### ДИЛДАГИ ГАПЛАР

## АДАБИЙ ОРЗУЛАР ОҒУШИДА


Ёзувчи Ватан байроғини ҳар қандай спортчидан баландроқ, давомлироқ кўтариши мумкин. Шундай бўлиб келган ҳам! Яқинда Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишга тўпланганларнинг аксари шундай фикрга келди, десам адашмаган бўламан. Адабиётга кўрсатиладиган ғамхўрлик маънавиятга, келажакка кўрсатиладиган ғамхўрлик экани нотийқлар нутқида бот-бот такрорланди.

Аслида адабиётга кўрсатиладиган энг катта кўмак унга эркинлик бериш, қанотини қирқмасликдир. Ҳақиқий адабиётнинг шавкати ва қисмати шундаки, у халқ дардини, ҳақиқатни рўй-рост кўрсатиб бериши талаб этилади. Аммо собиқ шўро даврида қаттол сиёсат тўғрисида унинг энг пешқадам қаламкашлари йўқ қилинган. Бехудий, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари не-не оташнафас истеъдодлар узокроқ яшашганда адабий ҳазинамиз нақадар бойиган бўларди.

Собиқ иттифоқ тарқалгандан кейин унга тобе бўлиб келган барча республикаларда, шу жумладан, бизда ҳам адабиёт гуриллаб тараққий этиш ўрнига депрессия қолди. Бунинг боиси шундаки, адабиёт газетадан фарқли ўлароқ, янги муҳитга тез мослаша олмайдди, воқеа, жараёнларни синтезлаш учун вақт керак бўлади. Муқаддас жой эса бўш турмайди, у ерда турли-туман алафлар ўсиши табиий.

Адабиёт ҳам инсонга ўхшаш. У гоҳида баланд парвозлар қилади, гоҳида омад унга чап қўлини чўзади. XX асрнинг ўттизинчи йилларида ҳам ҳақиқий ижодга, шу жумладан мумтоз адабиётга нафратомуз бир муносабат пайдо бўлганини биламиз. Халқнинг асрий дурдоналари бўлган ноёб асарлар зарарли деб ўзлон қилинган, йўқотилган. Унинг ўрнини коллективлаштиришнинг афзаллигига бахшида асарлар эгаллаган. Йиллар ўтиб, тагин мумтоз адабиётга талаб оша борган. Чунки ҳақиқий адабиётни ўқиш ва ўқиш учун инсон ихтимоний-иқтисодий зилзилалардан холи бўлиши ҳам керак.

(Давоми 4-бетда)



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

### ОБУНА — 2010

## Қадрли юртдошлар!

Хабарингиз борми, республикамизда жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб барча матбуот нашрларига келгуси йил учун обуна мавсуми бошланди.



«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимлари орқали обуна бўлишингиз мумкин. Ҳа, албатта, 2010 йил учун обуна шалласи эндигина бошланди. Аммо бугунги ишни эртага қўйишдан не паф? Ҳеч иккиланмай «HURRIYAT» га обуна бўлинг-да, ўз яқинларингиз, дўсту биродарларингизни ҳам обуна бўлишга ушанг! Жамoa раҳбарларидан эса ўз холимларини раъбатлантиришнинг энг мақбул йўлидан бири — уларни газетамизга обуна этишга деб биламиз. Сизнинг севимли напирингизга бўлган меҳрингиз, эътиборингизни ҳаминша қўлайимиз, азиз замондош! Эслатиб ўтамиз: «HURRIYAT»нинг нашр индекси — 233

### ДУНЁ СИЁСАТИ

## Бир йилга узайтирди

Европа Иттифоқи кенгаши Грузиядаги ўз миссияси муддатини яна бир йилга узайтирди.



ЕИ ташқи ишлар вазирлари имзо чеккан баёнотда Россиядан ўз кўшинларини 2008 йилнинг август ойидаги жойга олиб бориш сўралган. Сиёсатчиларнинг таъкидлашича, ЕИнинг Грузиядаги кузатувчилари сони 300 нафаргача кўпайтирилади. Баёнотда Жанубий Осетия ва Абхазияга оид алоҳида гаплар йўқ. Лекин

кузатувчилар бутун Грузия ҳудудида мониторинг олиб бориши айтилган. ЕИ ҳамон Абхазия ва Жанубий Осетияни Грузиянинг бир қисми сифатида тан олади. Шунинг учун ўз вакилларини ҳеч бир тўсиқсиз бу икки республика ҳудудига кириши керак, деб ҳисоблайди. Аммо икки тан олинмаган республика раҳбарияти ЕИ вакилларининг бу ҳудудларга киришига қарши.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада) 5

### АКС САДО

## Ишонч янада ортди

Газетамизнинг 2009 йил 8 июль сониде «Бошлиқ айтаверади, аммо маблаг йўқ» номли танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Норин туманидаги «Марғизор» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Марғизор» маҳалласида аҳолини электр энергияси билан таъминлашдаги муаммолар хусусида сўз юритилганди. Қўйида мақола муаллифи — Раҳимжон Абдуллаев танқидий чиқишдан кейинги ижобий ҳолат ва мутасадди идоралар раҳбарларининг муносабати тўғрисида фикр юритган.

Калам аҳли одатда ижобий мақолалар ёзиб, шаҳар ёки туманлардаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини ёритса, ўша идоранинг катта-кичикларига унга миннатдорчилик билдиради. Муаллифнинг ҳамкасблари ҳам «Ўқидик, яхши ёзибсиз», — дея фикрини айтишади. Борди-ю, муаммоларни кўтариб, танқидий-таҳлилий мақолалар ёзсангиз-чи, унда ўша шаҳар ёки туман раҳбарлари муаммони ҳал қилиш ўрнига баъзан сизни қидиришга тушишади. Масалан, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабга таълим муассасаларидан бирининг камчиликлари тўғрисида ёзгандик. Мақола газетда чиққан, халқ таълими бўлими раҳбари у ердаги муаммоларни бартараф этиш ўрнига биз билан анчагина тортишиб юрди. Бу каби ҳолатлар афсуски, учраб туради. 3-4 йил бурун кўпчиликнинг нафсониятига тегиб, ҳақорат қиладиган, таъмагир раҳбарнинг фаолиятини ҳажжия қилиб вилоят газеталарининг биринида яширин имзо билан чоп этдим. Кўп ўтмай бошлиқ ишдан айрилди, кейин «Уша ҳажвиянинг муаллифи мен эдим», — деганлар ҳам пайдо бўлди. Яқинда ўзим истикомат қиладиган ҳудуддаги муаммони аввало вилоятимизда рус тилида нашр қилинадиган газетга жўнатдим ва у чоп этилгач, ҳеч қандай амалий ердан, жавоб бўлмагани боис, уни республика

«Hurriyat» мустақил газетасига юборишга аҳд қилдим. Луқма шунчалик шов-шувли бўлдики, ҳатто унга матбуот соҳасига алоқадор йиғилишларда «Шу масалани республика даражасига кўтариш шартми, уни вилоят газеталарига беришга бўларди-ку», дегувчилар ҳам топилиди. Мен бу ишдан афсусланмадим, аксинча, мақолада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилишида Норин туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Ш.Абдуллаев бош-қош бўлганини эшитиб бошим осмонга этди. Олдинига «Сизни туман прокурори сўраяпти», — дейишганда бироз ҳаяжонда юрдим. Гўёки айримларнинг наздида бугун-эрта прокурор мени сўраштирувга чақириб қоладигандай эди. Аслида бундай бўлмади. Қонунлар ижросини таъминловчи раҳбарлар бор экан, ҳақиқат юзага чиқди. Мен газетда кўтарган камчиликлар ижобий самарасини берди ва шу ўринда «Hurriyat» газетаси таҳририятига ҳам ўз миннатдорчилигини билдирмади. Эеро, газета ўзининг хур фикрлигини, ҳақиқатқўилигини, масаллага бир томонлама ёндашмаслигини яна бир бор намойен этди. Унда босилган мақоладан хабар топган ҳамқишлоқларимнинг матбуотга бўлган ишончлари янада ортди.

Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ, Наманган шаҳар ҳокимлигининг «Наманган садоси» газетаси масъул котиби.

## ФАРМОН ВА ИЖРО

### Бухоролик мелиораторлар ибрати

Ерни боқсанг — ер сени боқади, дея бежиз айтилмаган. Бу дегани она заминга ҳам эътибор, парвариш керак. Шу боис, мамлакатимиздаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бундан кўзланган ният қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий даромад манбаи ҳисобланган пахта, галла, шунингдек, мева-сабзавот ҳамда полив маҳсулотларидан мўл-кўл ҳосил олиш, пировардиди аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Сир эмаски, Бухоро вилоятида чўл массивлари кўп. Худудда ортиқча сувни қабул қилиш ва уни чиқариш имконияти чегаралангани боис, шўрланган даражаси баланд. Шу боис вилоятдаги ирригация ва мелиорация тизими ходимлари зиммасига сизот сувларини қочириш, тўпроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби масъулятни вазифалар юклатилган.

Вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Аму-Бухоро канали қурилиши ва Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоалари томонидан ҳужалиқлараро зовурларнинг 500 километри тозаланиб, мелиоратив иншоотларни реконструкция қилиш ва қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунинг ҳисобига 7 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларининг тасарруфидати ерларнинг тўпроқ унумдорлиги ошди. Масалан, Когон туманидаги 1-кўчма механизациялашган колонна "Кумсултон" массивида 17,5 километрик анги йирик зовур иншооти қурилишида 250 миллион сўмлик иш бажарган бўлса, мазкур объектда йил давомида бажариладиган иш ҳажми 897 миллион сўм қилиб белгиланган.

— Хориждан олиб келинган олтига экскаватор ва тўртта бульдозер каби замонавий, қудратли техникаларни жалб этганмиз. Бундан ташқари, Жондор туманидаги "Зарафшон" бетон канали орқали машинали сугоришни ўз оқимига айлантириш иншооти қуришни ҳам бошладик. Канал қурилишининг умумий қиймати 1 миллиард 79 миллион сўмни ташкил этади, — дейди корхона раҳбари Акбар Ражабов.

Дарвоқе, республикамиз Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш, тизимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидида ҳамда ирригация ва мелиорация соҳаларидаги ислохотларни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ромитон, Шофиркон ҳамда Қорақўл туманларидаги давлат унитар корхоналари "Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бекум-кўст бажараётгани вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, ўзининг моддий-техника базасини яратган Ромитон давлат унитар корхонаси жорий йилнинг ўтган даврида Ромитон, Пешку ва Жондор туманларидаги хўжалиқлараро зовурларни қазиб ва қайта тиклашда 740 миллион сўмлик, Гиждувон ва Вобкент туманларида эса 561 миллион сўмлик юмушни ууддалади. Бунинг эвазига фермер хўжалиқларида ҳосилдорлик ҳар гектарига 4-5 центнерга кўпайишига замин яратилди. Биргина мисол: бултур галла етиштириш вилоятда ўртача 45-50 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич ўртача 55-56 центнерга етказилди. Натижада буюхорлик галлакорлар давлатга 153 минг тоннадан ортиқроқ бошоқли дон топириб, йиллик шартнома режасини ортиги билан ууддалади.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Шавкат НОСИРОВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

## СОҒЛИК ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

Ҳар тонг уйқудан кўз очар эканмиз, бутун фикр-у хаёлимиз билан доимий юмушлар гирдобига шўнғиб кетамиз: ювиниш, эрталабки ноушта, фарзандларга меҳр кўрсатиш ва иш ёки ўқишга шошилиш... Ҳа, кун тартибимиз ҳар доим деярли шундай. Аммо бир кун уйқудан уйғонганимизда вужудингизда оғриқ ёки лоҳаслик сезсангиз-чи? Ана шундай кезларда беихтиёр оқ либос эгалари — шифокорлар ёдингизга тушади. Сиз улардан дардингиздан халос этишларини сўрайсиз. Ҳолбуки турфа ташвишлар билан андармон бўлиб, ўзингиз вақтида гамхўрлик қилмаган вужудингизга ўзгаларнинг ёрдами нечоғли бўларкин?!

— Сирасини айтганда, бугун тиббиёт касалларни даволаш билан овора бўлиб қолди. Аммо, фикримча, соҳанинг энг биринчи вазифаси соғлом кишиларнинг хасталикка учрамастликларини учун касаллик белгилари юзага чиқмасдан туриб унинг олдини олиш ҳисобланади, — дейди Ички ишлар вазирилик қошидаги ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабининг тиббиёт бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Озод Ҳожиёв. — Бунинг учун, аввало, юртдошларимиз ўз соғлиқларига бепарво бўлмастлиги, сопа-соғ одам ҳам ҳар олти ойда бир марта шифокор кўригидан ўтиши ва унинг маслаҳатларига қулоқ тутиши керак. Энг муҳими, ҳар бир инсоннинг ўзи ҳам текширув натижаларини доимий кузатиб бориши, ўзгаришларни таҳлил қила олиши ва бу ҳақда шифокор билан маслаҳатлашиши зарур. Худди мана шундай суҳбатлар давомида эса одамларнинг тиббий билим маданияти шаклланиб боради.

Узоқ йиллардан буён бу соҳада самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи шифокор Озод Ҳожиёв билан ўспирларнинг орасида учрайдиган асосий сурункали ноинфекцион касалликлар (ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликларининг энгил турлари, буйрак, нафас йўллари хасталиги ва қандли диабет)нинг ўзбекистон шароитида тарқалиш эҳтимоллари ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида суҳбатлашдик.

— Озод ака, докторлик диссертациянгизнинг мавзуси ҳам ёшлар орасида ноинфекцион касалликларнинг тарқалиш хавфи ҳақида экан. Нега айнан шу мавзунинг ўрганишга киришгансиз?

— Мен иш жойим тақозоси билан диёримизнинг турли гушаларидан таҳсил олишга келаётган ёшларнинг соғлигини назорат қилиб бораман. Бир неча йиллик тажрибамдан кейин чикиб, шу ёшлар мисолида бўлган кунда юртимизда 17-22 ёшли фарзандларимиз орасида қайси касалликларнинг кўпайиш хавфи борлигини аниқлашга киришдим. Шу нарса маълум бўлдики, турли географик муҳитда, турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда улғайган ёшларда у яшаган муҳитга мос тарзда турли хасталиқларга мойиллик учиради. Масалан, водий (Анджон, Наманган, Фарғона) ёшларида кўзининг кўриш қобилияти пастроқ, бўқоқ ва



тиш касалликларига, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро (бу худудларда тоза ичимлик суви муаммоси мавжуд)да ошқозон-ичак, ўпка ва буйрак хасталиқларига мойиллик бор. Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса оқватланиш қонда-ларига деярли риюя қилинмаслиги (гўш-ёғ маҳсулотларининг хаддан ортиқ истеъмоли) оқибатида юрак-қон томир касалликларига мойиллик кузатилади.

Умуман олганда, 17-22 ёшлар орасида нафас йўли аззолари, ошқозон-ичак, урологик, юрак-қон томир, қандли диабет касалликларига учраш ва чекувчи, спиртли ичимликлар ичувчи, нотўғри оқватланадиган, жисмоний машқлар билан шугулланиши паст бўлган ёшларда семиршиш (қон микдорида ёғ моддаларининг кўпайиши) хавфи юқори. Бунинг олдини олиш учун эса энг биринчи наватда зарари иллатлар (чеккиш, спиртли ичимлик ичишдан воз кечкиш, метёрида жисмоний, ақлий меҳнат билан шугулланиш, тўғри оқватланиш, кунлик дам олиш тизимига амал қилиш, ҳудуд-беҳудуга асаббўзарликларга йўл қўймастлиги, бир сўз билан айтганда, ўз соғлигини ўзи назорат қилиш тамойилларига амал қилиниши керак.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз билардим. Камҳаракатлик — дард сари биринчи қадамдир. Ўз соғлиги ҳақида қайғурмаган одам спорт билан мунтазам шугулланиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса-чи? Унда кунига 2-3 километр пиёда юриш лозим. Кўп ҳара-

кат қиладиган одамнинг қон айланиш тизими яхши ишлайди. Овқат ҳазм қилиш жараёнида муаммо туғилмайди. Энг муҳими, семизлик касалига учрамайди. Киши қанчалик семирса, унинг қон томирларида ёғдан ўсимталар пайдо бўла бошлайди ва ўз-ўзидан қон йўлини сиқиб қўяди. Бу эса фожияли ҳолларга олиб келувчи хасталиқларнинг бошидир.

— Тўғрисиини айтганда, ўз соғлиги ҳақида қайғурмоқчи бўлганларнинг ҳаммаси ҳам шифокор маслаҳатидан беминнатгина баҳраманд бўла олишмайди-да. "Отанга бор, онамга бор" қабилида иш қўриб, масъулятини ўзиндан соқит қилмоқчи бўладиган, одамларда тиббий билимларнинг ошишига ёрдам бермайдиган шифокорлар ҳам йўқ эмас, назаримда.

— Гапингиз тўғри. Ҳар бир соҳада ҳам камчиликлар учраб туради. Ҳабарингиз бўлса керак, юртимизда кишиларнинг тиббий билим маданиятини ошириш йўлида хизмат қиладиган санитария-маориф йўллари бор. Аммо негандир уларнинг иши кўзга ташланмапти. Аслида унинг вазифаси тиббий билимларнинг тарғибот-ташвиқоти ташкил этиш, қолаверса, аҳолига ишончли тиббий маълумотлар, маслаҳатлар бериш ҳисобланади.

Яна бир гап. Маълум худудда туриб, бутун аҳолининг тиббий билимини ошириб бўлмайди. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари билан тиббиёт ходимлари орасида мустаҳкам алоқа бўлиши ва бу икки соҳа ҳамкорлигида халққа содда, раво тилда зулуксиз маълумотлар бериб бориш керак.

— Ёз фасли ўзига хос гап тилди. Аммо бу мавзуда ҳам турли хасталиқлар юзага чиқиши мумкин. Шифокор сифатида бу фасл хусусиятларидан келиб чиқиб, кишиларнинг ўз соғлиғига гамхўрлик қилишлари учун маслаҳат ва тавсиялар берсангиз.

— Бу фаслда организмда туз, сув алмашинувдан эҳтиёт бўлиш керак. Соғлом одам кунига 1,5-2 литр тоза ичимлик сувини истеъмо қилиши шарт. Иссиқ кунда метёрида сув ичилмаса, қон қуюқлашиши мумкин. Қолаверса, ёз фасли чўмилиш мавсуми ҳам ҳисобланади. Тўғри, чўмилишнинг одам организмига фойдалари ниҳоятда кўп. Аммо кун иссиқ деб, дуч келган жойда, турли оқва сувларида чўмилиш мумкин эмас. Чунки касаллик қўзғатувчи микроблар айнан шундай оқва сувларда кўп бўлади. Бу микроблар бурун, кўз, оғиз ва қулоқ орқали организмга тушади ва турли хасталиқларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**  
суҳбатлашди.



### ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ ЭЪЗОДА

Бутун ҳар бир жабҳада юртимиз ёшлари халқаро синовларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Яқинда Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган 50-халқаро математика олимпиадасида ҳам 6 нафар ўзбекистонлик ўқувчилар иштирок этиб, 1 та кумуш, 2 та бронза ва фахрий дипломлар билан юртимизга қайтишди.

Ҳақ таълими вазириликдан олинган маълумотга кўра, аввалги 49-халқаро математика олимпиадаси Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган бўлиб, унда ҳам 6 нафар ҳамюртимиз қатнашган ва 4 та бронза медалини қўлга киритишган эди. Бундан кўриниб турибдики, ёш математикларимизнинг бу йилги кўрсаткичи олдингисига нисбатдан юқори.

Шу муносабат билан яқинда Ҳақ таълими вазириликда олимпиада ғолибларини қутлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ҳақ таълими вазири Ф. Шоумаров ва олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Жавлонов соғирдорларни самимий муборакбод этди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

### ХИВА КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ

Очик осмон остидаги музей шаҳар — Хивага йўлниги тушиб қолса, Эски Қиёт қишлоғи кулоллари ишлаб чиқараётган ранго-ранг кулолчилик буюмларига маҳдў бўлишингиз тайин. Кулолчилик қишлоқ қишлоғи ота касб ҳисобланади. Шу йил баҳорда "Хива кулоллари" хусусий корхонаси ташкил этилгани нур устига аҳоли нур бўлди. Талбиркор Уринбой Машарипов ана шу хайрли ишга бош-қош бўлаётган.

Ойига бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхонада айни пайтда 10 киши меҳнат қилмоқда. Ҳозир мазкур жамоада тайёрланаётган бозори чаккон турли-туман кулолчилик маҳсулотларини нафақат хоразмликлар, балки ошқ-яқиндан келган меҳмонлар, хорижлик сайёҳлар ҳам севиб харид қилишпапти.

**Тузальбо РАҲИМБОЕВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

### ПОЛВОНЛАР ҲАҚИДА ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Пойтахтимиздаги Миллий мабуот марказида яқинда ташкил этилган "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти тақдироти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари, Ҳақ таълими вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Шарқ Яққаурашлар ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази вакиллари ҳамда машҳур спортчилар, мураббийлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Талбирда "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамиятининг раиси этиб тайинланган Норкул Юсуфов сўз олиб, жамиятнинг асосий мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот берди.

— Ҳаётнинг бир ҳақиқати бор: вақт ўтгани сари халқнинг энг сара полвонлари ҳам унутилга борилади. Юртимиз спорт даргаларининг салоҳияти, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишдаги фидойилиги, эришган ютуқлари, умуман уларнинг ҳаёт йўли бутунги ёшлар ва келажак авлод учун ибрат бўлмоғи керак. Асосий вазифамиз — юртимиз бўйлаб халқ эътирофига сазовор бўлган полвонлар ҳақида маълумотлар тўплаб, китоб тайёрлашга ҳозирлик қўриш ҳисобланади, — деди Н. Юсуфов.

**Матёқуб НАРЗИЕВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

### СОЛИҚ СИЁСАТИ: ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкни камайтириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш ҳамда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозни кечкётган бир пайтда талбиркорлик субъектларига қўмақлаш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2009 йилда солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлган республикамиз Президентини ва ҳукуматининг қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида бериладиган имтиёзлар натижасида тахминан 146,4 млрд. сўм маблағ солиқ тўловларини иштирокида қолшини кутилмоқда. Тежаб қилинган маблағ эса корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, замонавий техника ва технологиялар модернизациялашга сарфланади. Саноят маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шугулланган корхоналар учун даромад солиғи ставкасининг 7 фоизга туширилиши эса кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Яқинда республикамизда хўжалик юритувчи субъектларга бериладиган солиқ имтиёзларининг мазмун-моҳиятини оммата етказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Имтиёзлар ривожланиш омили" номи семинар йиғилиш ва матбуот анжумани ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари, талбиркорлар ва солиқ идоралари ходимлари иштирок этди. Талбирда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парисев кўч тартибидан масаллар юзасидан гапирди.

**Иномжон АБДИЕВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚўЛЛАНМА

Яқинда "Қорақалпоғистон" нашриётида Қорақалпоғистон Республикаси матбуотини ривожлантиришга ўзининг бутун фаолияти билан катта ҳисса қўшган таниқли публицист Шараф Уснатдиновнинг "Журналистикага кириш" номи ўқув қўлланмаси нашр этилди. Айтиш жоизки, мазкур китоб соҳага бағишланиб қорақалпоқ тилида ёзилган дастлабки қўлланмадир. Бу ўз навбатида қорақалпоғистонлик ёш журналистларга алоҳид қўлланма бўлди.

Ун тўққиз бобдан иборат қўлланмадан журналистика таълими, матбуот эркинлиги, журналистиканинг асосий принциплари, репортёрнинг жамият олдидаги масъуляти, унинг ижтимоий ва касбий мақоми, ахлоқ, таҳририят ишларини ташкил этиш, таҳририятни бошқариш, Интернет журналистикаси каби мавзулардаги назарий ва амалий материаллар ўрин олган.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**  
"Hurriyat" мухбири.

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТУРОН БАНК"

миллий ва хорижий валютада кўйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

Омонат тури	Омонат муддати	Йиллик фоиз (%)	Асосий шартлар
<b>Миллий валютадаги омонатлар</b>			
КАФОЛАТ	10 кун	18%	Ҳар ойнинг 25-санасидан кейинги ойнинг 5-санасигача қабул қилинади.
НУРОНИЙ	3 ой	18%	Омонатнинг асосий шартли омонатчининг омонат қўйиш даврида ёши 54 дан кам бўлмаслиги керак.
ИМКОНИЯТ	1 ойдан	18%	Омонат бўйича тўланадиган фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи мустақил белгилайди.
ҲАМКОРЛИК	12 ой	18%	Омонатчи топшириғига асосан фоиз суммаси коммунал тўловларга ўтказилади. Омонатчи барча коммунал тўловларидан қолган фоиз даромадларини ҳар ойда олиш ҳуқуқига эга. Агар фоиз даромадлар ҳар ойда олинмаса, капиталлашмайди. Омонат муддати тугагандан сўнг омонатчига 3% бонус тўланади.
САРМОЯ ПЛЮС	6 ой	18%	Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда капитализация қилинади.
БАРҲАЁТ	2 ой	26%	Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади
БАҲОП	3 ой	30%	Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади
<b>Чет эл валютасидаги омонатлар</b>			
"OPTIMA"	1,3,6,12 ой	7%	Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин АҚШ долларларида тўланади. Омонат суммаси чекланмаган.
"MEROS"	12 ой	7%	Омонат балоғатга етишига бир йил муддат қолгангача бўлган ёшлар номига қабул қилинади. Фоиз омонатчи 16 ёшга тўлганидан сўнг АҚШ долларларида берилади. Йиллик капитализация билан.
"UNIVERSAL"	3,6,9,12 ой	АҚШ долларларида – 9% ЕВРОДА – 6% Англия фунт стерлингида – 3%	Омонат АҚШ долларлари, Евро ва Англия фунт-стерлингида қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда бўнак шаклида ёки омонат муддати тугагандан кейин миллий валютада тўланади. Омонат валютасини омонатда кўзда тутилган бошқа хорижий валютага конверсия қилиш имкони мавжуд.
"BONUS PLUS"	6,12,18 ой	9%	Омонатнинг қўйилган муддатига қараб, омонатга қўшимча фоизлар қўшиб ҳисобланади. 6 ой муддатга 9,0%+ 1,0% йиллик фоиз; 12 ой муддатга 9,0%+ 2,0% йиллик фоиз; 18 ой муддатга 9,0%+ 3,0% йиллик фоиз; Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан кейин АҚШ долларларида тўланади.

Қўшимча маълумотларни: (+99897) 700-55-55 телефонидан ёки www.turonbank.uz сайтдан олишингиз мумкин.

Омонатларга қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирга ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди. Омонатларнинг фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлар даромаднинг биринчи талабаси берилмайди. Удугама, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонуан юз фоиз таъминланади.

# ЖАРАЁН

## ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН МЎЪЖИЗА

(Бошланғичи 1-бетда.)

Меликуловнинг гуруланиб гапириши бежиз эмас. Бойсунга поездлар қатнови бошлангач, туманининг газга, кўмир, керамзит, аригалит, фосфорит, рангли металлларга бой замини мамлакатимиз иқтисодиётига катта улуш қўшади. Ястаниб ётган бу кенгликларда заводлар қурилади. Тўрт-беш минг кишилик иш ўринлари яратилади.

...Пири комилларнинг нақл қилишларича, ўтмишда Бойсун кенгликлари кимсасиз чўл бўлган, даштликлардан ташкил топган. Кўнгирот элининг асфоснавий пахлавони Алломшуб бу ерларда от чоптирган. Кўшқанотли Бойчборининг ёлдор туёқлари зарбидан ер зир титраган, гупур-гупури узок-узоклардан эшитилиб турган, пишқириги, кишнаши тоғу тошларга урилиб акс садо берган. Кейинчалик бир-бирига тўш қўйган адирликлар оралаб карвон йўли ўтган. Самарқанд, Бухоро, Тошкентдан чиққан савдогарларнинг туя карвонлари шу йўлдан Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистонга катнаган. Қадимий Буюк Ипак йўли шу тариқа вужудга келган. Орандан йиллар ўтди. Алғов-далғовли замонлар ҳам ортада қолди. Нортуялар из қолдирган тупроқли карвон йўли ўрнига энди ҳаёт нарвонларидек чўзилиб кетган, пўлат излар ётқизилди. Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон темир йўлидан манзил томон ҳар соатда катнаётган поездларнинг ҳайкириги оламни тутди. Уларни

қуриб асрий орзу-умидлари рўёбга чиққан тоғлик одамларнинг қалблари гурур ва ифтихорга тўлмоқда.

Авалло, Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон темир йўли тўғрисида. Иншоот мустақиллик объекти сифатида зарбдор қурилишга айланди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниясининг жасоратли бунёдкорлари 223 километр узунликдаги темир йўлни барпо этиш борасида фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишладилар. Натига барчани қувонтирди. Пўлат излар тоғлар бағрида ҳаёт томирларидек муҳрланиб, кўхна карвон йўлидан тобора илгариллаб борди. Ишчилар, механикаторлар вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилдилар. Кун тунга уланиб, техника ва механизмлар циркулари тонг сахаргача ўчмасди. Шу алфозда ўттиз ой пешона тери тўқилди. 250 миллион куб метрлик тупроқ ишлари бажарилди. 4 километрга тенг 37 та кўприк, 85 метр узунликдаги битта галерея, 6 та бекат қурилиб, фойдаланишга топширилди.

XXI аср мўъжизаси 2007 йил Истиклол байрамнинг ўн олти йиллигига муносиб совға қилинди. Иншоот муддатидан икки йил илгари қуриб битказилди. Бу ишга оз эмас, кўп эмас 445 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя сарфланди. Ушандан бери қурилиш конструкциялари, гишт, шағал, қум ва бошқа хил темир-бетон ускуналари, ҳар хил юклар ортилган эшелонларни судраган поездлар ҳаракати тинчмайди. Шундай бўлса-да, бу ерда

ш бир дақиқа ҳам тўхтатилгани йўқ. Негаки объект лойиҳасида темир йўлни такомиллаштириб бориб, жаҳон андозалари талабига тўла жавоб берадиган даражада 5 та янги мустақам темир йўл кўпригини қуриш назарда тутилган эди. У Япония кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. Бунёдкорлик ишларида ҳам улар ўзбек кўприксозлари билан ёнма-ён туриб ишладилар, қимматли маслаҳатлар бердилар, ҳамкорлик қилдилар. Бунинг самараси ўлароқ умумий узунлиги 1183 метр бўлган 5 та кўприкдан юк эшелонлари ўта бошлади. Биргина Дарбанд — Чак-чак доволари оралғида қурилган кўприкнинг узунлиги 300 метрни, баландлиги 45 метрни ташкил этади. Бу 15 қаватли бинонинг баландлиги билан баробар.

Йил бошидан бунён режалаштирилган иш суруятлари ҳам ўсиб бораёпти. Хусусан, ҳозиргача 31,7 миллион тонна юк жўнатишга ҳам эришилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача ўсиш суруятлари 105,2 фоизни ташкил этганини кўрсатмоқда. Юк айланмаси 11778 миллион тонна километрга бажарилди.

Яқинда Бойсундаги Дарбанд бекатида темир йўл кўприкларининг қуриб битказилишига бағишланган шодибаналар бўлиб ўтди. Унда Сурхон ҳамда Қашқа воҳалари темирйўлчилари вакиллари, фахрийлар билан бир қаторда, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси раиси А.Раматов, Сурхондарё вилояти ҳокими

Т.Жўраевлар иштирок этди. Улар эришилган улкан муваффақият билан иншоот қурилиши қатнашчиларини кутлади.

«Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон» темир йўлининг қурилиши, — деди Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев, — минтақада тўб инқилобий ўзгаришлар ясади, янги ҳаёт олиб кирди. Биргина Бойсун туманига қарашли Тангимуш, Кудуқсой, Ажрим, Кофрун, Работ, Хўжабулғон, Санчил, Дарбанд, Шуруб сингари аҳоли манзиллари обод ва кўркам тус ола бошлади. Янги-янги қорхоналар вужудга келиб, минглаб ишчи ўринлари барпо этилапти. Шинам, замонавий даҳалар вужудга келаяпти. Халқимизнинг эса уззоғи яқин, юмушлари енгил кўчаяпти. Орзу-умидлари рўёбга чиққанидан ёш-у, кексанинг юзида табассум. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, тоғ ва тоғолди зоналаридаги ҳали юзага чиқмаган ер ости қазилма бойликларининг ўзлаштирила бошлагани эртанги кунимизнинг нурафшонлигидан ниҳона.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг жанубий минтақасида кўмир, табиий газ, олтингурут ва бошқа кўплаб табиий бойликлар захираси борлиги аллақачон аниқланган. Эндиги вазифа уларни ўзлаштиришдан иборат. Яна бир гап. Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида фуқароларимиз катта қулайликка эга бўладилар. «Тошгузар — Бойсун — Кумкўрғон» янги темир йўли орқали йўловчи ташувчи поездлар қатнови ҳам йўлга қўйилади. Бу

борада катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Яқинда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси раҳбарияти ҳамда Испаниянинг Patentes Talgo S.A компанияси ўртасида юқори тезликдаги йўловчи ташиш электропоездини сотиб олиш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум имзолангани ҳам бу борада қилинаётган ишларнинг бир қўрғини, десак янгилишмаймиз. Ушбу электропоездининг тезлиги соатига 250 километрни ташкил қилади. Бу лойиҳани амалга ошириш компанияга жаҳон миқёсида ривожланган темир йўллар қаторига қўшилиш имконини беради. Шунингдек, соҳанинг юксак малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Россиянинг қатор таълим муассасаларида ўзбекистонлик талабалар тахсил олмоқда, қолаверса, қисқа муддатли курсларда малака ошириб қайтаётган темирйўлчилар сони ҳам ортиб бораёпти.

Темир йўллар. Уларни бежиз мамлакатнинг қон томирларига ўхшатишмайди. Истиклол шарофати ила мамлакатимиз раҳбари Ислоом Каримов раҳнамолигида юртимизда бунёд этилган ушбу йўлларнинг ўзи бир мўъжиза.

Аслида мўъжиза гойибдан келади. Аммо инсон меҳнати, халқимиз куч-қудрати, давлатимизнинг олиб бераётган сиёсати тўғрисида аниқ ҳақиқатлар бўлиб қолмоқда.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,  
Омон ШУКУРОВ

## Тахририятма хатлар

### Ҳужжат топшириш шунчалик бўлса...

Шу йилнинг июнь ойида ўрта махсус касб-хунар коллежини битирган жиянимни яқиният билан Гулистон давлат университетига ҳужжат топшириши учун олиб бордим. Жияним ичкарига соат тўққизларда кириб келиб, бирларда қайтиб чиқди. Ҳа, тинчликми? — десам, нудим етмай қолди, леги музғайиб. Ҳужжат топшириб бўлдингми, кетамизми? — десам, у: "Йўқ, ҳозир тушликка чиқиб кетинчи. Энди "абел"дан кейин яна кирмаман", — деди оғриниб. Қўшга пул бериб, тушдан сўнг яна киритиб юбордим. Аммо ўйлаб қолдим. Тўғриси, мустақил ҳаёта илк қадимларини ташлаётган, ўз ҳақ-хуқуқларини энди таниётган, бироқ олий таълим даргоҳида қадим қўйиши билан тартибсизликка, тўғричиликка бўйбўкиб, гангил қолган бола қараб аччилим. Жиянимга ўхшаб бу ҳолда тушган абитуриентлар сони минглаб эҳанга эса шубҳа қилаймаман.

Маълум бўлишича, ичкарида абитуриентнинг ҳужжатларини бирма-бир кўрган маъсул ходим расмининг бўлмайдиган, бизнинг расм чиқарадиган мутахассисларимизга учрашиб, "бошқатдан расмга тушиб келинг, дейишар экан. 3,5x4,5 форматда бошқа жойда тушган расм ўтмасин. Расмга тушиб келгандан кейин компьютердан рўйхатдан ўтиш учун ҳам маълум миқдорда пул тўлаш керак. Энг қизиги, ушбу билим даргоҳида шўх этилувчи таълим олинган ҳам мажбурий бўлиб, уни 300-2000 сўмгача сотишга ётаман экан. Мана шуларнинг ҳаммаси учун жиянимдан 4000 сўм олинибди. Дастлаб бу ҳақда эшитганимда, балки университетнинг моддий-техника базаси шу йўл билан шаклланиётганимкин, деб ўйлаб қолдим. Лекин бундай йўл тутиб бўлмайди-ку?

Албатта, бу билан кимдир жазага тортилсин, деган фикрдан йироқман. Қолаверса, таълим масканларида ҳужжат қабул қилиш аллақачон туталди. Яна икки-уч қундан кейин абитуриентлар ҳал қилувчи имтиҳонларни топширишди. Аммо "поезд ўтиб кетди", деб муаммога кўз юмиб жилғонга ҳисбат қилиш билан баробар. Вақтин оқар суяга ўхшатишлари бежиз эмас. Айтмоқчи бўлганим, ҳақемай минглаб қоракўз ўғил-қизлар катта умидлар билан яна таълим даргоҳларига ҳужжат топширигани келишди. Аммо бу муаммо ҳуусенда бугун ўйлаб кўрмасак, унга барҳам бериш чораларини ҳозир излашмасак, у яна урчиб кетаверилади.

Ҳазрат ҲАРАЗОВ  
Сурдарё вилояти.

### Икки саодатга элгувчи омил

Буюк аллома Абу Ҳамид Ғазолий инсон ботинида турт оқшлар, йиртқишлар, девлар ва чин инсонлар (фаришталар)га ҳос феъл (характер)лар мажмуи бўлишини, ҳар бирининг ривожланиши учун эса алоҳида озуқа (низо) борлигини айтди.

Чин инсонийликка ҳос феълнинг инсонни икки дунё саодатига еткази олади. Бунга одам чин инсонийликнинг ривожланиши сабабчи бўладиган амаллар билан шуғулланиб, бошқалардан қўнглини ва ўзини тия олаётгани эришади. Бу тийилиш тасавуфда — ирода дейилади. Аслида ҳам инсон мана шу синов учун яратилган. Бундан кўриниб турибдики, энг буюк галба — инсоннинг ўз устидан қозонилаётган галбаси.

Мазкур синовнинг синоати қўнгли боси кўнглик унинг машаққатларига дош беролмайди. Шунинг учун барча аввало юқоридаги фалсафани яқини аниқлаштириш ва чин инсонийликка ҳос феъл (характер)ни камол топшириш учун ёт амаллардан, чалғувчи нарсалардан ўзини тийишга ҳаракат қилиши лозим. Бунга эса ажлоларнинг тажрибалари, ўғиллари ҳамда қўнғий иродатга эриштирилади.

Турсулалдин ЮСУПОВ  
Риштон тумани.

### Ҳақиқат истаб «туҳматчи» бўлдим

Ҳамма жойда бўлгани каби биз яшаб турган — Навоий вилоятининг Қонимсх тумани Шуретла қишлоғида ҳам аҳолига жон боғида 0,6 литрдан пахта ёни тарқатилди. Лекин мутасаддилар давлатнинг килограммлаб ёт олиб, фуқароларга литрлаб сотаяпти. Натигада каттагина миқдорда ёт маҳсулоти "тежалди". Аммо бу ҳаммаси эмас.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозир туманда 33650 нафар аҳоли яшайди қайд этилган. Туман ҳокимлиги ёт олиш учун юқорида тайёрлаган маълумотларга эса бу рақам 37800 га қилиб кўрсатилган. Демак, туман учун жон боғида 700 граммдан пахта ёни олинса, оғига 2205 кг. пахта ёни оғинча олинди. Бундан ташқари, эътибор қилинг, биргина 2007 йилнинг ноябрдан 2008 йил октябргагача бўлган муддат (11 ой) да олинган 302,2 тонна пахта ёнининг 120,3 тоннаси аҳолига тарқатилмай, қадқаллар кетган?

Мутасаддилар раҳбарлар мазкур тафовутни йил давомида кам тазминланган ҳамда тўй қилаётганлар ва аздорларнинг оғина маърака маросимларини ўтказишга ёрдам тариқасида тарқатилади, дея изоҳлади. Бироқ рўйхатга тиркаланган одамларнинг баъзилари билан суҳбат ўтказилганда бу маълумот тўғрисида шубҳа уйғонади. Масалан, Шухрат Сафаров қайд этилган 50 килограмм ун ва 10 килограмм пахта ёнини, Қудрат Сафаров эса 10 килограмм пахта ёнини олмаган. «Наврўз» маҳалласида яшовчи Малика Маммирова эса боқувчилардан айрилгани учун моддий қўмақ сўраб маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилишга қарамай, ушга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаганини айтиб ўтди.

Ушунга туман молия бўлимининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказида етакчи мутахассис бўлсам-да, аллақачон кимларнингдир назарига ивоғлар, туҳматчига айландим. Сабаби юқоридаги ҳолатлар юзасидан бир қатор юқори таъкилотларга 106 нафар фуқаронинг имзоси билан қайта-қайта шикоят хати жўнатишганда. Лекин юқоридагилар шикоят хатларининг вилоятдаги илораларга, улар эса туманимиз раҳбарларига жўнатишгани. Бир қарашда бу тўғрлик, аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор-да. Яъни туман раҳбарлари ўзларига ўзлари жазо берадилми?

Қомак НУРИМБЕТОВ  
Навоий вилояти.

### Хунёрлик зиён қилмайди

Енгининг тилеги ёт деб бекорга айтишмайди. У қўнмаганда ҳар қандай вазиятда содир бўлиши мумкин. Балки лоқайлигимиз, эътиборсизлигимиз оқибатида катта-катта ёнлар чиқиб, одамларнинг ҳаёти, мол-мулки хавф остида қолади. Қўнлаб кўнглинчи воқеалар юзага келади. Қўн долларда оддий қондаларга ривож қилмаслигимиз қиммат тушади. Ойлашадиган тинчлик-осойишталик, кўт-баракат кўтарилиб, шириндан-ширин фарзандларимиз, яқин инсонларимиздан бутун умрт ажралиб қўннамиз ёки уларнинг ноғирон бўлиб қўннамиз сабабчи бўлишимиз мумкин. Хонадонларимизнинг иситиш мақсадига носоз ва қўнлаб электр ва газ эсебдорлардан фойдаланамиз. Жойларда одамларга бу борада қўнлаб тушунтириш ишлари олиб борилади, ҳанузгача айрим фуқаролар ённинг жуда катта офатлардан бири эканини тўла-тўқис аниқлаб етмапти. Хонадонларда газ плиталар ва мосламаларни ёқиб қўйиш, назоратсиз қўнлириш ҳолатлари тез-тез учраётган.

Шу ўринда бир мисол. Жорий йилнинг ўтган олти ой давомида биргина Ҳамза туманида 73 та ёнган содир бўлган. Анварнинг, ушбу ҳолатлар оқибатида 6 нафар киши турли даражада кўнни таъ жароҳатини олган бўлса, 3 нафар киши луддан кўз юмган. Енгин ҳолатларининг 11 таси аҳоли турар жойларда, 15 таси кўнқаватли уйларда содир бўлган. Юқорида айтиб ўтилган мисоллар тилеги ённинг нақалар даҳшатли эканидан далолат беради.

Одатда ённинг олдин олдин одамлардан кўн нарсани талаб қилмайди. Фуқароларимиз фақат хунёрликни ёдан чиқармаслар бўлган.

Абдурашид ТўРАХОНОВ,  
Ҳамза тумани ИИБ ДЕН инспектори.



# "ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ"

давлат акциядорлик компанияси бошқаруви

*мустақил Ватанимизнинг барча темир йўл  
ходимларини яқинлашиб келаётган касб байрами  
— Темирйўлчилар кўни билан самимий  
муборакбод этади!*

**Маълумки, темирйўлчилик жамиятимизда шарафли  
касблардан биридир. Сизларнинг Ватан равнақига,  
халқимизнинг бунёдкорлик ишларига қўшаётган  
ҳиссангиз бекиёс.**

**Касб байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!**



# АДАБИЙ ОРЗУЛАР ОГУШИДА

(Бошланчи 1-бетда.)


Бундан уч-тўрт йил олдин газеталарнинг бирида шундай деб ёзган эканман: «Янги адабиёт бугун-эрта эшик қоқади. Назаримда яқин вақтда адабиётимизга ёш бир истеъдод кириб келади. У ўнлаб ўткир сюжетли роман, кнсса, телесценарий, шеърлар ва янги жанрларда мўъжизавий асарлар битади. Унинг китобларини ўзимизда ва чет элларда юз минглаб нусхаларда чоп этишади ҳамда қўлма-қўл бўлиб кетади. Йўқ, бу менинг хом ҳаёлим, ҳавойи орзуларим эмас, тарихий зарурат, ижтимоий қонуниятдир. Адабиёт тарихига назар солинг: энг оғир давларда, Аллоҳнинг иродаси билан Алишер Навоий, Огаҳий, Қодирий, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар таширф бўриб, адабиётимизни ашраф чўққиларга кўтардилар, биз уларнинг ортидан эргашдик».

Бу табаррук таширфдан ҳали ҳам умидимни узгани йўқ. Ана шу жараёни тезлаштириш учун эса истеъдодли ёшларни бугун адабиёт байроғини баланд кўтариб турган дунё мамлакатларига юбориш керак, деб ҳисоблайман. Биз ҳатто боксчиларни ҳам тараққий этган мамлакатларга юбораямиз-ку. Бу ўринда шунга эътибор бўлиш жоизки, Туркия адабиётга ана шундай навқирон даҳо кириб келди. Унинг номи Урхан Памук. Бу йилги туркий халқлар вакиллари орасидан биринчи бўлиб, 2006 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлди. Унинг асарлари айни пайтда қирқдан ортиқ мамлакатда таржима қилинган. Янги истеъдод билан турк халқини чин қалбдан табриклагани сиз келадиган кишининг.

Ана шунга унутмаслик керакки, истеъдод эгаси кўп ҳолларда кўрсатилган бўлмайдиган. Буни тушуниш, кечиртишга тўғри келади. Дарҳақиқат, вазият ижодкор олдига қатор муҳим вазифаларни қўйган қилиб қўяди. Мазкур йилгишда қайта-қайта таъкидланганидек, энг аввало, қалам аҳлининг ўзи фаол бўлиши, фуқаролик позициясини намоён қилиши шарт. Газета, журналларимиз кўп. Аммо уларнинг саҳифаларида ёзувчи, шоирларнинг номларини камдан-кам учратамиз. Энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни айнан улар кўтариб чиқишлари керак эмасми? Бехудий, Қодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳқор, Асқад Мухтор, энг аввало, ҳозиржавоб публицистлар эдилар. Ўша пайтдаги газета, журналларни варақласангиз, бу устозлар турли мавзуларга бағишланган очерк, мақолалар ёзганликларига гувоҳ бўласиз. Публицистика ҳаётини ўрганиш учун ўзига ҳос мактабдир. Наҳотки бугун ёзувчи, шоирнинг тинчлигини олган муаммолар бўлмасан?

Бу ўринда айрим қаламқаш дўстлардан гиналасам, мени тўғри тушунишар деб ўйлайман. Сўнги йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Hurriyat» газеталарида қатор ижодкорларга у ёки бу мавзудаги очик хатларим эълон қилинди. Раҳматли Шукур Холмирзаевга битилган мактуб янги адабиёт муаммолари, Дадахон Нуриёвга табиат муҳофазаси, Иброҳим Гафуровга Нитшенинг ижоди, унинг таржимаси, Хуршид Давронга сайт очиш ва интернетдан фойдаланиш муаммоларига бағишланганди. Худо ҳақи, бу мактубларни куйиб-пишиб, анчагина жонсўзлик билан ёзгандим. Тўғри, Шукур Холмирзаев сив қоқиб, адабиёт газетасига жавоб хати ёзаётганини маълум қилганди. Аммо шу орада операция бўлди, соғлиги ёмонлашди ва бунга улгуролмади. Қолган дўстлар эса ҳатто телефон қилишни ҳам эш қўришмади. Сен салом берсанг-у алиқ олишмасан, камситилгандай сезаркансан ўзингни.

Ёзганга бўлса, бир вақтлар газетда Шукур Холмирза-



евнинг «Адабиёт ўладими?» деган мақоласи босилиб, қизгин муҳокама қилинган. Бу борада менинг фикрим шундай: агар адабиёт курашмасан, у муқаррар нобуд бўлади. Буни табиатнинг яшаш учун кураш қонуни, дейишади. Хар қандай тирлик организм сингари ижтимоий субъект ҳам яшаш учун курашишга мажбур. Адабиёт инсон ахлоқи, маънавияти ва Конституцияга зид бўлган ҳар қандай иллатга қарши курашиш миссияси билан келган. Шунингдек, у ўз йўлидаги гоялар билан ҳам яккама-якка жангга чиққан.

Талай газет, журнал, нашриётлар мутасаддилари дилида шўролар давридан қолган кўрқув вируслари ҳамон турган ўхшайди. Цензура йўқолиб, айрим жойларда учта «темир тўсиқ» пайдо бўлгандай. Булар — муассис, бош муҳаррир ва муҳаррир. Уларнинг бири сармоясидан, иккинчиси курсисидан, учинчиси арзимаган маошдан кўрқиб, хар қандай эркин фикр, ошкоралик куртакларини чилпишдан тойишмайди.

Шу муносабат билан бир мулоҳазани айтмоқчиман. Шўролар даврида ва ундан олдин ҳам замонасозлик руҳидаги ҳамду сано асарлар озмунча ёзилган. Бугун эса улар ҳеч қимга керак эмас! Одамларнинг изтироблари, ноҳақликларга қарши курашлари акс этган асарларгина яшаб қолдики, бунга мисол келтириш ортиқчадир.

Юқорида тилга олинган йилгишда хар бир ижодкорнинг ўз сайти бўлиши таъкидланди. Бугунги кунда у зарурдан-зарурдир. Тасаввур қилинг, сиз бугун битган асарни шу соатнинг ўзида ер шарининг истаган китъасида ўқишлари мумкин бўлади. Америка ёки Хинд диндондаги ўзбек китобингизни истаган пайтда қўлга киришмаслиги мумкин, аммо сайтнинг варақлаш имконига осонгина эга бўлади. Еки фарас ўзида ер шарининг истаган китъасида ўқишлари мумкин бўлади. Америка ёки Хинд диндондаги ўзбек китобингизни истаган пайтда қўлга киришмаслиги мумкин, аммо сайтнинг варақлаш имконига осонгина эга бўлади. Еки фарас ўзида ер шарининг истаган китъасида ўқишлари мумкин бўлади. Америка ёки Хинд диндондаги ўзбек китобингизни истаган пайтда қўлга киришмаслиги мумкин, аммо сайтнинг варақлаш имконига осонгина эга бўлади.

Йилгишда танқидчи Умарали Норматов кўплаб зўр асарлар яратилаётгани, аммо бошқалар сингари ёзувчилар ҳам ўқимай кўйишганини танқид қилди. Аслида эса адабий танқид худди ана шунинг сабабларини тадқиқ қилиши керак эди. Бугун сабабинингиз эмас, сабабининг сабабини очиб ташлаш керак. Бу борада ўзим микродақиқотлар ўтказганман ва одамларнинг китоб ўқимай кўйганига икки буюм... сабабчи, деган хулосага келганман. Майли, бу ҳақда кейин...

Авал «зўр» асарлар ҳақида. Афсуски, бундай асарлар деярли яратилмапти. Аслида кучли асарни тарғиб-у, ташвиқ қилишга ҳоҳат ҳам қолмайди. Уни ўқиган киши эҳтиросларини жиловлотмай, атрофдагиларга тавсия қилади ва шу тариқа асар тилга тушади. Биз турли даврларда ёзилган Мир-

зақалон Исмоилийнинг «Фаргона тонг отунча», Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни», Тоҳир Малик «Шайтанат»нинг биринчи китоби талашиб-тортишиб ўқилганини, улар бозорга чиққанини, бир неча баробар қиммат сотилганини биланмиз. Бу рўйхатга Одил Ёқубов, Пиримул Қодиров романларини ҳам киритиш мумкин. Чунки бу китоблар том маънода зўр эди. Ҳозир бадиий асарга бўлган талаб нисбатан устун. Чунки бу — рақобатлар замони. Хар қандай китобхоннинг китоб ўқишига монелик қилади-ган ва мен юқорида тилга олган икки буюм пайдо бўлди. Бунинг биринчиси — ТВнинг пулти, иккинчиси — компьютернинг «сичқончаси». Эндиликда сиз диванда ёстаниб ўтирган ҳолда юзлаб (!!) ха, юзлаб каналларни томоша қилиш имконига эга-сиз Бахри уммондаги ақуларлар ҳаётими, оғир ваазли боксчилар курашми, оташин муҳаббатми, дунё воқеаларими, футболми... Компьютер эса ундан ҳам мароқлироқ. Шайтонга эрк бериб, «танишув» деган сайтга кириб қолсангиз, не-не нозанинлар сизга кўз сузиб, иштибоқ билан пичирлайверади ва алламаҳалгача улар қуршовида қолиб кетасиз. Бу мўъжизавий экрандан истаган хонандани тинглашигингиз, хоҳлаган кино ёки спектаклни кўришингиз мумкин. Бунинг устига хусусий сайт ёки блогингиз бўлса, юмушларингиз тагин ҳам ошиб кетади.

Назаримда, биз ёзаётган бадиий асарларда умумий қусурлар анчагина. Шўролар даврига нисбатан зўрма-зўраки ва ясама нафратангезлик, сўз қашшоқлиги, гуманистик гоялардан чекинishi, воқеанавислик, адабиётнинг фож қилиш қудратини ишга солмаслик, ўзбек тилини яхши билмаслик, миллий гурур билан миллий маҳудлиқни, дин билан хурофотни фарқламамаслик... Булар бари мен айтган қусурларнинг бири қисми, ҳолос. Вақт пулга айланган замонда ўзини билган киши бундай китобларни ўқимайди ва тўғри қилади.

Ижод аҳли бошқалардан кам ўқияпти, десаам ажабланманг. Кузатишимча, китобхонлар рўйхатида ёзувчи ва шоир қорул, сотувчи, асарлари, сай-ёҳдан ҳам кейинда турар экан. Аммо масаланинг яна бир томони бор: ёзувчи қорул ва сотувчи ўқийдиган «матолар»-га вақт сарфлаши шарт эмас. Аммо у жаҳон адабиётидан беҳабар қолса, интернетга кириб турмасан, ойна бирор нимарса қораламасан ва энг муҳими, курашмасан, омад ҳам унинг манзилини ёддан чиқариб юборади.

Бугун ижодкор фақат ёзиш-нимас, ўчириши, дилга ўтирмаган саҳифалардан воз кечиши ҳам билиши шарт деб ўйлайман!

Бу борада бошимдан ўтган бир жараён ҳақида гапирмоқчиман. Бундан ўн йиллар муқаддам жадидлар, аниқроғи Маҳмудўжа Бехбудий ҳаёти фикру зикрини чулғаб олди. Беихтиёр у кишининг асарларини ўқишга киришдим. Шу билан бирга жадидлар сардорининг шахримизда яшайдиган авлодлари, жадидшунослар билан суҳбатлар қурдим. Ва Бехбудий тўғрисида роман қоралаша киришдим. Менинг эса бу ҳақда

мақтаниб кўганим энг катта хатом бўлганини кейин фаҳмладим.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаб юрган пайтларимда устоз Асқад Мухторга радио мухбири шундай савол берганига гувоҳ бўлганман. «Янги роман ёзаётган экансиз деб эшитдим.» «Роман ёзаёпман, дейишга журят этолмайман» деб жавоб бергани у киши. Бу жавоб менга сабоқ бўлмаганидан ҳамон надомат чекаман. Асарни қариб тугатиш арафасида бир ҳақиқатни англаб қолдим, яъни китобхон менинг романимни ўқигандан кўра, Бехбудий ҳазратларининг Самарқанддан Маккаи Мадианага бўлган саёҳат хотираларини ўқиса, кўпроқ маълумот ва маънавий озиқ олишига ишондим. Ва ёзганларимдан воз кечдим. Бугун тарихий шахслар ҳақида ёзилган талай асарлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Ёзувчилар уюшмасидаги йилгишда вилоятда яшайдиган ижодкорларга эътибор камлиги айтилди. Уларнинг республика телевидениеси, нашриётлари ва газета, журналларида, адабий анжуманларда қатнашиш имконияти чеклангани ва энг муҳими, марказдаги дўстларнинг уларга нисбатан нописанд қарашлари танқид қилинди. Аслида, марказда яшайдиган истеъдодларнинг аксари вилоятлардан, аниқроғи узок қишлоқлардан келган кишилар. Бу ўринда фарангларнинг: шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўлади, деган нақли ёдга тушади. Ўзим вилоятда яшайман ва марказдан меҳмон бўлиб келадиган шоир, ёзувчиларни қўзатаман. Улар кўп ҳолларда, энг аввало, ҳоким ёки бошқа бир амалдорга учрашиб, унинг эътиборини қозониш ташвишида бўлишади. Бу ердаги ҳамкасблар эса ёдларидан чиқиб кетади. Шахсан мен ҳақиқий ижодкор билан амалдорнинг суҳбати самимий бўлишига ишонмайман. Бундай давраларда халқнинг кайфияти жуда яхшилиги, мазкур ҳудудда ободончилик ишлари авж олгани ва шунга ўхшаш ҳамду санолар тақдорлини туриши шарт. Хуллас, хар иккала томон ҳам «роль» ихро этишга мажбур. Ҳақиқий ижодкор кўпроқ одамларнинг гам-ташвишлари, изтироблари, қолаверса мазкур вилоятдаги ижодкорлар, уларнинг янги асарлари билан қизиқиши жоиз, деб биламан. Бу ҳолатни кузатиб, бухоролик истеъдодли шоир Самандар Воҳидовнинг «Самолётда ёзилган шеър»и ёдга тушади.

Бу дунё ажиб яралганда...  
Юқоридан туриб қаралганда:  
Тоғ — қултепа,  
Дарё — энсиз камар,  
Сахро — тарам-тарам қафт,  
Одамлар гивир-гивир чумоли —  
Ёлғиз тирикчилик ҳаёли...  
Юқоридан туриб боқсанг оламга —  
Шундай туюларкан одамга.  
Бу дунёга бермоқ-чун баҳо  
Юқоридан кўз солма,  
Бўлсанг ҳам даҳо!

Хар ҳолда бир ҳақиқатни ёддан чиқармаслик жоиз. Қайсидир доғимдан айтганидек, ижод аҳли нопок амалдорларни тиг остига олмас экан, улар ижодкорларни оёқ остига олиши турган гап.

Шукри, Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йилгишда «Ундай ёзиш керак, бундай ёзиш керак ёки у ҳақда қалам тебратиби, бу ҳақда индамаслик лозим», қабилдаги номанг қўл қолмади. Шўролар даврида Уюшмада бўладиган йилгишларда социалистик реализмдан чекинмаслик, коммунист образини яратиш зарурати қайта-қайта тақдорлариди.

Хуллас, умр ўтапти. Соат миллари бизнинг фойдамизга айланаяптими, йўқми? Бу борада худбин бўлиш керак! Қирқ ёшида қариб қолган авлодга ўхшасан, бизни кечиртишмайди. Қаламимиз учиде турган энг инжа фикрларни қозоғга туширишга шошилайлик!

Нусрат РАХМАТ



## САМАРҚАНДДА ЯНА БИР ОБСЕРВАТОРИЯ

Бугун Мирзо Улугбекнинг астрономия соҳасидаги илм сирларини ўрганиш борасидаги илмий ишларнинг ёшларимиз томонидан давом этирилаётгани қувонардир. Ўзбекистон ФА Улугбек номидаги Астрономия институти ва Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида олийгоҳ қошида «Самарқанд илмий-ўқув обсерваторияси» ташкил этилгани ҳам бу фикримиз-

ни тасдиқлайди. — Бу илмий-ўқув даргоҳда Мирзо Улугбекнинг издошлари камол топаёпти, — дейди обсерватория раҳбари Абдураззоқ Ажабов. — Обсерватория Сартена масканида жойлашган. Ҳозир бу ерда илмий изланишлар олиб борилаётган. Яқинда обсерваторияга оптик кўзгусининг диаметри 0,48 м. бўлган ва Германияда ишлаб чиқ-

рилган CRUBB-PARS-OHS телескопи келтирилиб, махсус қурилган павильонга ўрнатилди. Телескопга осмон jismlarini тасвирга олувчи ПЗС «Arogee» (AP 10 cam) камераси ўрнатилган бўлиб, обсерватория интернет тизимига уланган замонавий компьютерлар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, обсерваторияда Китоб ва Майданак баландтоғ обсерваториялари билан доимий равишда илмий алоқа ўрнатилган. Шу пайтгача бу ерга АҚШ, Украина, Бангладеш, Янги Зеландия, Россия, Германия, Хитой каби мамлакатлардан олимлар ва талабалар ташриф буюриб, ушбу илм маскани фаолияти билан яқиндан танишишди.

Хусниддин ХОЛДОРОВ  
«Зарафинон» (Самарқанд)  
10.06.2009 йил.

## СОХТА РАИС

Кейинги йилларда Пахтакор шаҳрининг «Самарқанд» маҳалласида яшаб келган Саидрасул Қўшбековда «ноёб» иқтидор пайдо бўлди. У қасрда ва ким билан гаплашмасин, албатта, инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси — «Эзгулик» жамияти туман бўлимининг раиси эканини пеш қиларди. Аслида бундай лавозимни унга ҳеч ким бермаган ва бундай идиора туман ташкилотлари рўйхатида ҳам йўқ эди. Айрим лақма кишилар унинг ҳавойи гапларига ишонишарди. Ҳатто одамларнинг аксарияти арз-долларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга эмас, тўғридан-тўғри Саидрасулга айтишадиган бўлишди.

Сохта раиснинг ҳуқуқий билими, салоҳияти ва куч-қудрати ҳақидаги миш-мишлар тобора болалаб кетаведи. Табиийки, жойлардан сохта раис номига оғзаки илтимослар ҳам туша бошлади. Шунанга маълумотлар асосида у Зафаробод туманига бориб, бир нечта фермердан тўғ «Халқ банки» туман бўлимининг бошқарувчиси Эркин Худойкуловнинг ишчилар маошини беришга улар ҳақида хиёнат қилгани ҳақида сохта арiza ёздириб

олди. Айби борнинг оғи қалтирайди, деганларидек банк бошқарувчиси жаноб Э.Худойкуловнинг иш фаолиятида маълум камчиликлар бор эди, албатта. Саидрасул «Халқ банк»-ки, акс ҳолда иш фаолиятини билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилиб, ишнинг «орган»га ошираман» деб дўқ-пўпича қилди унга.

«Адолатпеша раис» фермерлар машмашасини бости-бости қилиш учун оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас 5 минг «кўкидан» сўради. Шундан сўнг тумонлар бир тўхтама келишиб, «қозонсепти»га 2 миллион АҚШ доллари етади, деган тўхтама келинди. Бу эса республика Марказий банки курси бўйича 2 миллион 835 минг 74 сўмга тенг эди. Сайларасул Қўшбековнинг бундан бошқа кирдикорлари ҳам кўп. Лекин уларни санайверишдан ҳеч қандай наф йўқ. Айбдор эса жиноятга яраша жазосини олди.

Р.ОРЗУҚУЛОВ,  
жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси.  
«Пахтакор ҳаёти» (Жиззах)  
24.07.2009 йил.

## АЁЛ ЭЪЗОЗИ

Халқимизда азалдан аёлга эъзоз, ҳурмат-эътибор жуда кучли бўлган. Турк битиги бўлмиш Билга хоқон ёзувидаги: «Тангри турк миллиати йўқ бўлмасин дея отам Илгарини хоқон билан онам Илбеге Хотунни юксаттирдилар», деган битикнинг ўзиёқ туркий қавмларда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеини кўрсатишга хиёфа. 1932 йилда Муғ тоғидан топишган 74 та сўғдча ҳужжатлар ора-

сида VII-VIII-асрларда қайд этилган никоҳ гувоҳномаси ҳам қадимдан юртимизда аёл эъзозига катта аҳамият қаратилганидан дарак беради. Бу ҳужжатда кўринадикки, VII-VIII асрларда сўғд жамоасида инсон, айниқса, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ахлоқ қонун-қоидалари, хусусан, кўвнинг келин олдидаги бурчи ва мажбуриятлари ўз замонаси учун адолатли равишда белгилаб қўйил-

ган. Бугунги мустақил юртимизда ҳам аёлга бўлган муносабат ниҳоятда кучлидир. Бу давлат сиёсатининг йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан бунга, аёлнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча фармон, дастур ва қонуналар ҳам қилиш мумкин.

Элёр ТОЖИЕВ,  
«Хоразм ёшлари»  
(Хоразм)  
16.07.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг моддий ҳамда ахборот кўмағида тайёрланди.  
Лойиха: «Матбуот — давр кўзгуси».

## АВВАЛИ

### Тошқанд шаҳрининг кенглиги

Тошқанд думахонасининг энг кейинги ҳисобига қараганда Тошқанд шаҳрини кенглиги бир минг сақиз йуз квадратний чакрим экан. Бул масофатдин қирқ сақиз квадратний чакримлик масофатда одам тўла экан. Мазкур шаҳарда икки лак қирқ тўрт минг адад одам бор экан. Алардин бир юз сақсон минг адади мусулмонийлар экан. Кейинги беш йил орасида одамларни адади ниҳоят кўпайибдур ва одамларни кўби сартийлардин экан.

«Туркистон вилоятининг газети», 29 нуйабр 1909 й

### Янги касалхона

Тошқанд думахонаси тез фурсатда Тошқанд шаҳрида янадин касалхона очмоқчи эмиш. Анинг харажати Тошқанд уйаздини земский оқчасидин берилса деб савол қилинур экан. На учунким ҳозирги шаҳар касалхонасида тўқсон адад касал одамларга жой бор экан. Амо баҳор ва куз фасларида касал одамларни адади бир юз эллик ададга етиб, мазкур касалларни кўби Тошқанд уйаздини фуқароларидин экан.

«Туркистон вилоятининг газети», 29 нуйабр 1909 й

### Кўчага тош солиш

Тошқанд шаҳрини Кўча даҳасини фуқароси сарт Комилжон Аҳмадҷон ўғли аз баройи мусулмон даҳасини кўчаларига тош солиб тузатмоқликга олти юз эллик сўм ҳадйа қилибдур. Тошқанд управаси бул тариха саховатпешалик билан қилган ҳадйасига Сирдарё ўбластини жаноб военной губернаторини мазкур Комилжонга ул баланд даражалик Туркистон вилоятининг генерал-губернаторидин учунчи даражалик зарёқа чакмонни илтимос қилмоқларини сўрабдур.

«Туркистон вилоятининг газети», 12 нуйабр 1909 й  
Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР



ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР

Халол меҳнат самараси

Биз ўтирган машина "Истиклол" маҳалласига бурилди. Йўлнинг шундоққина ёқасида жойлашган Нурма...

га бош қўяётган эди. Фермада ҳамма иш билан банд. Мулкдор Раҳимдин Шароповни чорвадорлар орасида учратдик.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти муваффақиятли битирган Раҳимдин 1984 йилдан буюн турли вазифаларда ишлагани учун катта тажрибага эга.

Берилмоқда. Савдо дўқони орқали аҳолига ҳам сотилаётган. Ундан олинган фойданинг ўттиз фоизи жамоага иш ҳақи қилиб берилса...

ЧИЗГИЛАРДА АКС ЭТГАН ЙЎЛЛАР

"Сурхондарёўллойиҳа" институти директори Ҳамдам Равшановни идорасида, қизгин иш устида учратдик.




— Юртбошимизнинг шу йил 22 апрелдаги қарори асосида ўзбек миллий автомагистрални ривожлантириш устида қизгин иш олиб борилаёпти.

Маълумки, Сурхон воҳаси Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон сингари мураккаб давлатлар билан чегарадош.

Зиммасидаги асосий вазифа саналади. Бу ишга қарийб минг нафар муҳандис-техник ходимлар, ишчилар, механизаторлар сафарбар этилган.

тиляпти. Айтилган лойиҳа қиймати 10 миллиард 865 миллион сўм бўлган 5 та кўприк тубдан қайта таъмирланмоқда.



Миллилари тилни ёрган қовунлар

Бу хангомани келтираётганимиздан қовунлар ҳақида фикр юритмоқчилигимизни англагандирсиз.

Эшак миниб, елкасига хўрозини кўндириб, бозор оралаб юрган Насриддин Афанди сотувчига дебди: — Шундай нарса берингни, ҳам менга, ҳам эшакимга, ҳам хўрозимга емиш бўлсин!

ЗИРОАТЧИЛИК

Йил ёз жуда иссиқ келгани учун ҳосил мўл бўлди. — дейди Ҳаллаорол туманидаги "Кўктерак" фермер хўжалиги раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби Акром Қораев.

ИЗҲОР

ОНА ЮРТ МЕҲРИ

Одам боласи учун ўз она диёрида яшаш энг улуг саодатдир. Юрт қадрини эса ватандан йироқ бўлган пайтларда янада теранроқ ҳис қиласан киши.

Чакларида яшаётган ўзбеклар қатори биз ҳам киндик қонимиз томган юрт зиёратига шошилдик.



УЧРАШУВ

## ТЕАТрдАН ЎЗИМНИ ТОПОЛМАДИМ

— дейди Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра ЖАМИЛОВА

Севили санъаткор Гулчехра Жамилова халқимиз Зебуносо, Подира, Кумуш тимсолида кўради. У яратган ҳар бир образ санъатга меҳри билан бўлган юртдошларимизнинг эътиборидан четда қолмаган десак, муболага бўлмайди. Қолаверса, ҳаётида ҳам саҳнадаги каби ақлли, жозибали, камтарин бўлгани боис ҳамкасблари даврасида ҳам ҳурмати билан.



— Санъат — ҳаётимнинг мазмуни. Унда кечган кувончу ташвишлар ҳаётимнинг энг бахтли онлари. Хали орзуларим чексиз, лекин саҳнада санъаткорнинг умри қисқа, — дейди Гулчехра Жамилова.

— Барибир халқимиз кўз ўнгиде Гулчехра Жамилова деганда беихтиёр Кумуш гавдаланади. Бу ролни сиз ёшиқ даврингизда ўйнагансиз. Кумушнинг севгисини, дарду қувончини шу ёшда қалбга сингдириш осон бўлмаганлиги...

— «Ўткан кунлар» фильмида қатнашганим мен учун ҳам бахт, ҳам катта мактаб бўлди. Мактаб дейишнинг боиси, бу асар дастлаб экранлаштирилган пайтда жуда катта устоз актёрлар ҳам иштирок этишди. Режиссёр образларга муносиб актёрларни саралаш жараёнида ҳар томонлама кучли, истеъдодли санъаткорлар жамоасини туза билди. Фильмда ўша даврнинг руҳиятидан тортиб, оила аъзоларининг бир-бирига ўхшаши, ички ва ташқи дунёсининг гузаллигига очиб беришга ҳаракат қилинган. Бу фильм суратга олинаётган пайтда санъат институтининг 4-босқич талабаси эдим. Соҳиб қирқилган, паранжини қандай ёпишишни ҳам билмасдим. Ўша пайтда Кумуш образини ёзуви тасвирлагандек марғилолик қиз ўйнагани маъқул, деган фикр-мулоҳазалар ҳам бўлган. Рус мактабда тахсил олганим боис, тўриси, «Ўткан кунлар» асарини ўқимасдан туриб, Собир Муҳаммедов ёзган сценарийдан келиб чиқиб, роль ўйнаганман.

Баъзан асарни ўша вақтда ўқиганимда Кумуш образини янада тереңроқ очиб берган бўларимдан, деган хаёлга ҳам беролман. Нима бўлганда ҳам Кумушнинг осмондаги қаҳрамон эмас, ёнимизда яшаётган ҳаёли, ибодли, ифратли қиз тимсолида яратиш керак эди. Менда бу образга яқин фазилатларни сезган режиссёр синов даврида кўп нарсаларни ўргатди. Ўша фильмда иштирок этганларнинг бу асарга ҳурмати биланлиги боис, ўзига берилган образни сиздиқилган ўйнашган. Мен ҳам устоз санъаткорлар меҳнати соҳида Кумуш образини баҳоли қудрат ўйнаганман.

— «Ўткан кунлар» асари асосида яратилган янги талқиндаги бадий фильмда сиз Кумушнинг онаси образини ўйнадингиз. Айтинг-чи, сизни қайси роль кўпроқ ҳаяжонга солиди?

— Халқимизда куш уясида курганини қилади, деган нақл бор. Кумуш Офтобойнинг тарбиясини олган қиз. Шунинг учун бу ролга мени тақдир этишди. Менинг орзуим эса мулақо бошқа, яъни Ўзбекистонини ўйнаш эди. Актёр халқи яхши ролга, яхши асарга тўймайди. Нима бўлганда ҳам мен бу фильмда бошқа иштирок этмаслигим керак эди, деб ўйлайман. Масалан, «Ўткан кунлар» биринчи экранлаштирилганда Офтобойим қисқа кўринишда бўлган. Бу сафар ўйнаган ролимдан актёр сифатида қониқмадим. Чунки бу образ аввалгисиде меърига етказиб яратилган. Иккинчи фильмда Офтобойимнинг дарду ҳасратлари, ички ке-

чинмалари, Ўзбекистоннинг характери ҳам кўнгилдагидек очиб берилмади, назаримда. Масалан, Ўзбекистон оқсуяқ аёл. У дастурхон атрофида санъаткорнинг қўлида елиғич билан пашша кўримайди.

Актёрлар бугун кино санъати ривож учун яратилган шарт-шароитлардан умумий фойдаланиб, бу фильмни биринчисида кўра тереңроқ, у даврни чуқур ўрганиб ҳавас билан ўйнаши керак эди. Узоққа бормайлик... Тошкента Кумуш келади. У Ўзбекистоннинг рози-ризолигини олмай туриб, Отабек билан оила қурган. Ўша замонларда паранжинини очиб қайнонаси билан ийманмасдан қўришишни қайси шарқона одобга тўғри келади? Биз ўйнаган кинода Кумушнинг марғилолик келинигиз деб таништиришга юзи қизаради. Уятдан кўзини ердан узоқламайди. Баъзилар роль ижро этаётганда хато қилиб қўйишса, режиссёрдан ёки атрофдагиларнинг муносабатидан ҳайиқишади. Тажрибамдан айтишим мумкинки, актёр учун яхшигина турма истеъдод маҳорат керак. Маҳорат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун ҳаёт тажрибаси ҳамда тинимсиз меҳнат қилишга тўғри келади.

— Бугун турли савиядаги кинолар яратилмоқда. Уларда маҳоратли актёрлар тайёрлаётган олийгоҳда талим олаётганлар эмас, кўпроқ бошқа соҳа вакиллари — тележурналистлар, дикторлар, кўшиқчилар ва ҳатто касби-кори курувчи, сотувчи бўлган бизнесменлар ҳам «актёр» сифатида намоён бўлиб қолди. Халқнинг истеъдодли санъаткори сифатида бу ҳолга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Саҳна санъати, актёр ижодининг табиати нозик. Бугун бор фильм эртага эскирсан, санъаткорлар ҳам кўздан қойиб бўлади. Уни газетда чиққан тақрир, хотира, суратлар ҳам тиклаши амри маҳол. Бунинг учун аввало, киновни суратга олиш жараёнида бирор ижодчининг бу соҳага адашиб кириб келгани ва бу умумий мақсадга пўтур етказиши сезилса, ундан воз кечиш керак.

Аваллари ҳар бир эпизод лентага муҳрланмасидан олдин режиссёрлар ижодий гуруҳ билан маслаҳатлашарди. Агар бирор актёр қарши чиқса, унинг тақлифини ҳам атрофлича ўрганиб, агар мақсадга мувофиқ бўлса, бажонидил қабул қилинарди. Шунинг учун улар томошабинларга йўқ нарсани бор қилиб кўрсата оларди. Ҳозир актёр, режиссёр ва операторнинг тасаввур кучи томошабинларни ишонтира олмапти. Чунки бизда сценарийлар жуда бўш.

Санъат олийгоҳларида тахсил олган ёшлар бетакор роллар билан кўзга кўринмайми? Бу — бизнинг оқсоқ масаласими. Кўпинча киносценарий муаллифлари драматурглар эмас, режиссёр ёки журналистлар, ҳатто ижоддан бутунлай узоқ бўлган одамлар бўлиб қолапти. Театр, кино оламида қобилиятли актёрлар ҳам кўп, аммо том маънода катта санъаткорларимиз кўринмайпти. Режиссёр актёрлардан ҳаммиша ниманидир ўрганиши, улардан маънавий озуқа олиб туриши керак. Йўқса, уларнинг ҳам ишתיёқи эътиборсизликдан сўниб қолади. Мен бир нар-

сага ҳайронман: драматурглар ёши унда актёрлар учун ҳам асарлар ёзишса бўлмасмикан? Кўпинча эл ардоғидаги санъаткорларнинг умри театрга бирор чол ёки кампир образи тегармикан, деган умидда ўтапти. Адибларимиз ўз асарларига ёзилган сценарийлари экранлаштирилганда санъат ахли билан ижодий ҳамкорлик қилишса, фильмларимиз анча пишиқ ва пухта чиқарди.

Ҳозир ҳар бир фильмнинг сифатини ахшилаш борасида жиддий ишларга қўл урилмоқда. Драматурглар, режиссёрлар, актёрлар, расом ва бастакорлар ўз маҳоратларини ошириши, маъсулият ҳиссини чуқур англаган ҳолда иш олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энди ҳар бир фильм (у бадийми, хужжатлими, мультипликационими бундан қатъи назар) жуда қаттиқ синовдан ўтиши керак, деб ўйлайман. Ахир, бир фильмни суратга олиш учун кўп вақт ва маблағ сарф бўлади.

— Агар таъбир жоиз бўлса айтинг-чи, айна пайтда қалб-бингизда ана қанақа образ яратиш нияти бор?

— Биласизми, ҳозир кўлимга тушган сценарийларда менинг руҳимга мос келадиган образ ўрамаётгани сабабмикан, буни аниқ айта олмаيمان. Лекин жамиятдаги бирор муаммони очиб бера оладиган, ўзининг юриш-туриши билан ёшларга ўрнак бўла оладиган зукко, ифратли, ҳис-ҳажжони кўзларида чакнаб турган, фикрлари терең аёл образини ўйнагим келади. Бу орзуим балки врач, балки ўқитувчи ё бирор олима тимсолида намоён бўлар. Ҳозир экранлаштирилаётган фильмларда аёл образи қозон-товоққа ўралашиб қолган ёки ўта сипо ё жалдор қайнона тимсолида намоён бўлмоқда. Ахир халқимиз айрим фильмлардаги киёфасиз образлардан, тоғора-ноғора моҳаросидан зерикди. Энди биз санъаткорлар ҳақиқатга яқин туришимиз керак.

Актёр саҳнада — актёр, ҳаётда эса ҳамма қатори оддий инсон. Унинг хизмати фақат роль ўйнаши ёки машинада тўйга боришдан иборат эмас, жамиятга аралашиб фойдали иш қилиши ҳам керак. Ҳис қилаётганимиз, ҳозир XXI асрда яшаймиш! Аммо биз ўша бир хил мавзулардан четга чиқа олмаётимиз. Томошабин эса замонавий кинода биз — қаҳрамонларнинг кўзига тик боқиб, унинг ўй-хаёлларининг мазмун-муҳиятини билиб олишни истайди. Экранда айтган сўзи унда терең ёки мунозарали, тўғри ёки хато фикрларни ўйғотиб, давр ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради. Шу сабабли театр ёки кинода қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, фикр-мулоҳазалари жуда жўн бўлмаслиги керак.

— Саҳна санъатининг тараққиёти доимо Ўзбек Миллий академик драма театр фаолияти билан таърифланиб келади. Сиз узоқ йиллар мобайнида ана шу муқаддас даргоҳ-

да ишлагансиз. Бизга театр таърибаси, унинг ютуқлари, ўтмиши ва бугун ҳақида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат, театримиз саҳна орқали инсонлар қалбига эзгуликни жо этиш йўлида дадил қадим ташлаётди. Буни саҳнага тақдирини болаган улғу санъаткорларнинг шонли йўли кўрсатиб турибди. Театрда саҳналаштирилган «Бой ила хизматчи», «Ҳамлет», «Алишер Навоий», «Шоҳ Эдип», «Кутлуг қон», «Қиёмат қарз», «Юлий Цезарь», «Фигон», «Зебуносо», «Сарвиқомат дилбарим» ва бошқа кўпгина асарлар ана шу йўлнинг кўзгусидир. Номлари зикр этилган ва этилмаган бошқа кўпгина спектакллардаги муваффақиятларда сўзсиз не-не улғу санъаткорларнинг хизмати бекис.

Энди бугун театр, замонавий саҳна эришган ютуқларга диққат билан назар ташласак, ўша устозларнинг олижаноб ва маънавий ёрдамини ҳис этамиш. Театрда иш бошлаган чоғларимда кўпгина домларимиз шу театرنинг ижодкорлари эди. Олган сабоқларимиз бекор кетмади. Устозлар саҳна ҳақиқатини топишга йўл кўрсатди, доимо замонавий мавзуларга мурожаат қилишни ўргатди. Ушбу театр мактаби шаклан ва мазмунан миллий театр санъатини яратишга ёрдам берди. Биз театрга ишлаган пайтда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам образ характери мукамал очиб учун уни пухта ўргандик. Актёрлар саҳнага анча тайёрланган ҳолда чиқишарди. Афсуски, ҳозир театрларимизда бундай машаққатли, лекин самарали меҳнат унутилиб бормоқда. Бугун ҳам театр спектакль устида ана шундай жўшқин меҳнат қилишни талаб қилиш керак. Чунки қаерда инсон руҳи ўша ва арқин очилган бўлса, ўша ерда юксалиш бўлади. Устозларим менга «Сенинг ташқи киёфанг ижодий, салбий образларни ўйнамаганинг маъқул» дейишди. У пайтлар салбий ролда ўйнаганлар кучли характерга эга актёр хисобланарди. Нима бўлганда ҳам ҳар хил роллар яратди. Лекин театрдан ўзимни тополмадим, деб ўйлайман. Кўпроқ кинода яратган образларим мени халққа танитди.

— Ўзбек фильмларининг бугунги таржимасига қандай қарайсиз?


— Илгари ўзбек фильмлари фақат Москвада таржима қилинарди. У пайтлар кино санъатига эътибор ҳеч қачон бўлгундеч бўлмаган. Битта фильмни рус тилига ўгириш учун не-не чигириклардан ўтказиларди. Бугун кино санъатининг дунёга чиқиши учун барча шарт-шароитлар, арқилликлар яратилган. Бундан самарали фойдаланиш лозим. Аммо бугун яратилган фильмларнинг бир тахлил қилинг: қайси киномиз чет тилига таржима қилинса бизга шўхрат келтираркан? Кўпгина фильмлар турли хил шевалар асосида дубляж қилинмоқда. Бу ҳолда соф адабий тилимизга пўтур етмайди? Масалан, биз кино ёки спектаклда ҳечни ҳеч, «ҳимоя»ни «ҳимоя», «хиндистон»ни «хиндистон», «булмагур»ни «бумагур», «келсани» «кеса», «булсани» «бўса», «янгини» «енги», «ана шу ерда»ни «ўтда» демаганмиш! Энди энги, бўса, ўтда деган сўзларни бир тахлил қилиб кўринг-чи, қандай маъно келиб чиқаркан? Таржима — бу жиддий масала. Бу санъат нафақат кино санъатимизни, балки миллиятнинг руҳиятини ҳам дунёга кўрсатади. Шу боис онгли киши борки, жамиятдан қанча манфаат олса, шунча қайтаришни ҳам ўйлаши керак.

Адиба УМИРОВА сўхбатлашди.

Томас ГОББС (1588-1679)

ТАФАККУР

## Ҳасадгўйлардан ўч олишнинг йўли — олға бориш



Инглиз файласуфи Томас Гоббс Англиянинг жанубида туғилб ўсди. Унинг онаси сода дехқон аёли, отаси руҳоний эди.

Томас 15 ёшида Оксфорд дорилфунунига ўқишга кирди ва икки йилдан сўнг муҳаддатидан олдин уни битириб, мантик илмидан маъруза қила бошлади. Гоббс 1610 йилдан бошлаб уч йил да-

вомида Фарангистон ва Италияда яшайди. 1613 йилда у сиёсатчи ва файласуф Френсис Бэконга қотиблик қилади. 1636 йилда файласуф Италияга жўнайди ва у ерда Галилей билан учрашади. Томас Гоббс ҳандаса илмини жуда катта қизиқиш билан ўрганган.

Унинг қўйидаги асарлари маълум: «Фалсафа асослари» (1640-1658), «Фуқаро ҳақида» (1642), «Жисм ҳақида» (1655), «Инсон ҳақида» (1658), «Левиафан» (1658).

1646 йилда Гоббс Карл I нинг ўғли шаҳзода Уэлсскийга (бўлгуси Карл II) риёзиётдан сабоқ бера бошлади. Файласуфнинг атрофида уни кўролмайдиғанлар кўп эди. Шу боис Томас Гоббснинг кексайган чоғида дахрийликда айблайдилар. Унинг «Фуқаро ҳақида» ва «Левиафан» номи китоблари руҳонийлар томонидан тақиқланган адабиётлар рўйхатига киритилади. Гоббс сўққабошлиқда ҳаёт кечирган.

Мен тақдирингиз оғир зарбасига дош берман ва поймайман. Ўзим танлаган йўлдан олға бориш воситасида ҳасадгўйлардан ўч оламан.

Ҳар қандай ўзгариш ҳаракат демакдир.

Инсоннинг табиатида урушқоқликнинг умта сабаби муҳрланган: рақобат, ишонсизлик, шўхратпарастлик.

Давлатнинг қандайлиги ҳақида ҳуқоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атвориши ўрганиш жоиздир.


Нарсалар ҳақидаги эсдалик ва хотиралар йитишисиде тажриба деб аталади.

Муҳтожлик аҳмоқликдан афзалроқдир.

Хатога йўл қўйиш уят эмас. Инглишиш ҳамма одамларга хос ҳусусият. Лекин олимлар имкон қадар хато қилмасликларига жоиз. Адабиши уларнинг вазифасига зид ишдир.

Тўловчи ва таржимон: Саида ЖУРАЕВА

### РАССОМ ХАНДАСИ



«Ҳоким бобо, бир арзим бор эди...»

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат.

СПОРТ

### «Бунёдкор»да ЯНА БИР ХОРИЖЛИК ФУТБОЛЧИ?



Ўтган ҳафтада Бразилиянинг «Можи Мирим» футбол клубининг 22 ёшли ҳимоячиси Леома Франсиско Родригес Тошкента келди. «Бунёдкор» футбол клуби спорт директори Бахтиёр

Бобоевнинг сўзларига қараганда, ушбу футболчи қалдирғочлар билан музокаралар ўтказиш учун ташриф буюрган.

Эслатиб ўташимиз, айна кунда «Бунёдкор» жамоаси таркибига «Можи Мирим» клубининг икки собик аъзоси — Жоао Виктор ва Эдсон Рамослар тўп суришмоқда. Агар томонлар узаро келишувга эриша олинса, Леома Франсиско Родригес ҳам кейинги ҳафтадан бошлаб «Бунёдкор» таркибига майдонга тушиши мумкин.

### ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚИЗЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Жорий йилнинг 9-15 август кунлари Россияда сув полоси бўйича 1991 йилда туғилган қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам иштирок этишди. «С» гуруҳидан жой олган вакилларимиз Янги Зеландия, Венгрия ва Жанубий Африка Республикаси «сув парилари» билан баҳс олиб бордилар.

### ЯНГИ МУРАББИЙ КЕЛАДИ

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасига янги мураббий келиши мумкин. Бу ҳақда www.region.uz сайти маълумот тарқатди. Маълумотларда қайд этилишича, номзодлардан бири бразилиялик Сержио Сапо бўлиб, у шу йилнинг август ойи охирида шартнома тузиш учун Тошкента келади.

Сержио Сапо илгари Япония терма жамоаси билан ишлаб, кунчиқар юрт вакилларининг Осиё чемпионати бўлишига ҳисса қўшган, шунингдек, Япония терма жамоасини жаҳон чемпионатига олиб чиққан эди.

### КЛИЧКО ЎРНИГА ВАЛУЕВ



Британиялик чарм кўлоп устаси Дэвид Хэй жорий йилнинг 7 ноябрда WBA йўналишининг вақтинчалик жаҳон чемпиони россиялик Николай Валуевга қарши рингга чиқади. Бу хабар Дэвид Хэйнинг бокс бўйича жаҳон чемпиони украиналик Виталий Кличко қарши жанг ўтказиши рад этганидан сўнг тарқалди. Эслатиб ўташимиз, ушбу икки боксчи ўртасидаги учрашув жорий йилнинг 12 сентябрида Франкфурт шаҳрида бўлиши керак эди.

Британиялик спортчининг ўзи бу хусусда шундай дейди: «Виталий Кличко билан музокаралар узоқ ва қийин келди. Улар тақдир этган бундай келишувга ҳеч қачон рози бўлмаيمان. Улар менга ҳурматлиқ қилишди».

### СОЛИҚ ТўЛАМАГАНИ УЧУН



Жаҳон футбол юлдузларидан Ромарио (тўлиқ исми Romario de Souza Faria) 500 миң долларлик даромадидан солиқ тўламагани учун у ярим йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Бу ҳақда «Глобу-Ньюс» телеканали хабар тарқатган. Бразилия адлия вазирлиги хабарларига қараганда, 1996-97 йилларда футболчи Рио-де-Жанейронинг «Фламенгу» клубида тўп сурган ҳамда мамлакат пиво ишлаб чиқарувчи компаниясининг реклама роликлариде суратга тушган пайтларда олган маблағларидан солиқ тўламаган.

Ромарионинг адвокатлари эса айбловларга норозилик билдиришди. Хабариниқ бор, машҳур футболчи ўтган ойда собик хотинига алимент тўламагани боис қамоққа олинган эди. Ушанда у бир кеча-кундуз полиция маҳкамасида «ўтириб» қиқиша мажбур бўлганди.

Азим РЎЗИЕВ таърифлади.

HURRIYAT MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: яққа обуначилар ва ташқиотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАКУЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЕ, Наним КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОХИМОВ, Хосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Тахририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51. Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13. Тел-факс: 233-36-02.

### ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — Сурхондарё — 8-376-370-12-01. Қашқадарё — 8-375-221-78-50. Бухоро — 8-305-592-85-02. Самарқанд — 8-366-233-62-12. Сирдарё — 8-372-368-99-21. Навоий — 8-438-374-63-11.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.40.

© — тижорат белгиси.

Адади: 11261. Буюртма — Г-654 123 5